



FALSAFA VA E'TIQOD: O'TMISH, BUGUN VA KELAJAK

Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya MATERIALLARI

III-JILD

PHILOSOPHY AND FAITH:
PAST, PRESENT AND FUTURE

International Scientific and Practical Conference
PROCEEDINGS
Volume - 3

ФИЛОСОФИЯ И ВЕРА:
ПРОШЛОЕ, НАСТОЯЩЕЕ И БУДУЩЕЕ

Международная научно-практическая конференция
МАТЕРИАЛЫ
Том - 3

23-24-aprel, 2025

“FALSAFA VA E'TIQOD: O'TMISH, BUGUN VA KELAJAK”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya
TASHKILIY QO'MITASI

Tashkiliy qo'mita raisi:

G'.I. Muxamedov

Chirchiq davlat pedagogika universiteti rektori.

Tashkiliy qo'mita a'zolari:

B.X. Eshchanov

S.B. Qorayev

D.B. Axmadjanov

O.A. Ortiqov

S.X. Gayupova

R.A. Ikramov

L.K. Axatov

Ilmiy ishlar va innovatsiyalar bo'yicha prorektor.

Yoshlar masalalari va ma'naviy-ma'rifiy ishlar bo'yicha prorektor.

O'quv ishlari bo'yicha prorektor.

Moliya-iqtisod ishlari bo'yicha prorektor.

Ta'lim sifatini nazorat qilish bo'lim boshlig'i.

Gumanitar fanlar fakulteti dekani.

Fakultetlararo ijtimoiy fanlar kafedrasini mudiri.

Tashkiliy qo'mita ishchi guruhi:

Madalimov T.A.

Jo'rayev H.A.

Koshanova N.M.

Tashmetov T.X.

Karshiyev Sh.S.

Neshitov P.Yu.

Xaytmetov R.K.

Muhammadiyev L.G.

Nafasov A.K.

Eronov S.Q.

Saidusmanov B.A.

Usmanov A.X.

Sunnatov T.R.

Tuganova L.Dj.

Toshtemirov R.A.

Ilmurodova f.Sh.

Yo'ldoshev U.X.

Abdullayeva D.N.

Sa'dullayeva M.X.

Xolmo'minov G.B.

Miraxmedova Sh.N.

Yakubov X.M.

Imomova U.I.

Tadjibayeva R.O.

Umarova Sh.B.

Yursinboyev J.M.

Nurmanov Sh.J.

Abdullayev T.S.

Maxkamov D.Sh.

Ilyosov Sh.B.

Burliyev U.K.

Fakultetlararo ijtimoiy fanlar kafedrasini dotsenti

Fakultetlararo ijtimoiy fanlar kafedrasini dotsenti

Fakultetlararo ijtimoiy fanlar kafedrasini dotsenti

Fakultetlararo ijtimoiy fanlar kafedrasini dotsenti

Fakultetlararo ijtimoiy fanlar kafedrasini dotsenti

Fakultetlararo ijtimoiy fanlar kafedrasini dotsenti

Fakultetlararo ijtimoiy fanlar kafedrasini katta o'qituvchisi

Fakultetlararo ijtimoiy fanlar kafedrasini katta o'qituvchisi

Fakultetlararo ijtimoiy fanlar kafedrasini katta o'qituvchisi

Fakultetlararo ijtimoiy fanlar kafedrasini katta o'qituvchisi

Fakultetlararo ijtimoiy fanlar kafedrasini katta o'qituvchisi

Fakultetlararo ijtimoiy fanlar kafedrasini o'qituvchisi

Fakultetlararo ijtimoiy fanlar kafedrasini o'qituvchisi

Fakultetlararo ijtimoiy fanlar kafedrasini o'qituvchisi

Fakultetlararo ijtimoiy fanlar kafedrasini o'qituvchisi

Fakultetlararo ijtimoiy fanlar kafedrasini o'qituvchisi

Fakultetlararo ijtimoiy fanlar kafedrasini o'qituvchisi

Fakultetlararo ijtimoiy fanlar kafedrasini o'qituvchisi

Fakultetlararo ijtimoiy fanlar kafedrasini o'qituvchisi

Fakultetlararo ijtimoiy fanlar kafedrasini o'qituvchisi

Fakultetlararo ijtimoiy fanlar kafedrasini o'qituvchisi

Fakultetlararo ijtimoiy fanlar kafedrasini o'qituvchisi

Fakultetlararo ijtimoiy fanlar kafedrasini o'qituvchisi

Fakultetlararo ijtimoiy fanlar kafedrasini o'qituvchisi

Fakultetlararo ijtimoiy fanlar kafedrasini o'qituvchisi

Fakultetlararo ijtimoiy fanlar kafedrasini o'qituvchisi

Fakultetlararo ijtimoiy fanlar kafedrasini o'qituvchisi

Fakultetlararo ijtimoiy fanlar kafedrasini o'qituvchisi

Fakultetlararo ijtimoiy fanlar kafedrasini o'qituvchisi

Fakultetlararo ijtimoiy fanlar kafedrasini o'qituvchisi

Fakultetlararo ijtimoiy fanlar kafedrasini o'qituvchisi

ХАЛҚАРО ТАЖРИБАДА ИНСОН ХУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТИ

Бахром Саидусманов Абдуганиевич

ЧДПУ Факултетлараро ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси

т.ф.ф.д.(PhD)

Email: baxrom.said@mail.ru

Сарвиноз Туйғунова Низом қизи

ЧДПУ бошланғич таълим факултети 1-курс талабаси

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада инсон ҳуқуқларини халқаро даражада кафолатлаш масалалари таҳлил қилинади. Мақолада халқаро ва минтақавий стандартлар, уларнинг уйғунлиги, миллий қонунчиликка мослиги ва инсон ҳуқуқларини таъминлашда давлат сиёсатининг ўрни таҳлил этилади. Инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро-ҳуқуқий механизмларнинг ривожланиш тенденциялари ҳамда мавжуд муаммолар ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: инсон ҳуқуқлари, халқаро ҳуқуқ, кафолатлар, БМТ, декларация, стандартлар, миллий қонунчилик, халқаро ҳужжатлар, гуманитар ҳуқуқ, сиёсий ҳуқуқлар, ижтимоий ҳуқуқлар.

АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируются вопросы гарантирования прав человека на международном уровне. В статье обсуждаются международные и региональные стандарты, их согласованность и соответствие национальному законодательству, а также роль государственной политики в обеспечении прав человека. Рассматриваются тенденции развития международных правовых механизмов защиты прав человека и существующие проблемы в этой сфере.

Ключевые слова: права человека, международное право, гарантии, ООН, декларация, стандарты, национальное законодательство, международные документы, гуманитарное право, политические права, социальные права.

ANNOTATION

This article analyzes the issues of guaranteeing human rights at the international level. The article discusses international and regional standards, their coherence, and compliance with national legislation, as well as the role of state policy in ensuring human rights. It also explores the development trends of international legal mechanisms for human rights protection and the challenges that persist in this field.

Keywords: human rights, international law, guarantees, UN, declaration, standards, national legislation, international documents, humanitarian law, political rights, social rights.

Тарихдан маълумки, инсониятнинг янги минг йилликка қадам қўйиши келажакда давлатларaro алоқаларни ривожлантиришда халқaro ҳуқуқнинг ролини ошириш билан бевосита боғлиқдир. Бунда халқaro ҳамжамиятнинг энг муҳим вазифаси халқaro ишлар ва давлатнинг ички ишларида ҳуқуқ устуворлигини ўрнатишга эришиш ҳисобланади. Инсоннинг муҳим жиҳатларидан бири унинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятлари ҳисобланиб, уларни амалга ошириш – ҳозирги замон шароитида инсоният мавжудлиги ва ижтимоий тараққиётининг бош манбаси ҳисобланади. Улар ҳаётий муҳим эҳтиёжлар ва манфаатларни ифодалайдики, уларни таъминламасдан туриб инсон тарихий ривожланишнинг фаол қатнашчиси бўлиши, ўзига хос шахс сифатида шакллана олиши амалга ошмайди.

Бу борада инсон ҳуқуқлари соҳасидаги асосий халқaro ҳужжатлар қуйидагилардир: 1948 йилда қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”; 1966 йилги “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқaro Пакт”; 1966 йилги “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқaro Пакт”. Дунё давлатларида инсон ҳуқуқларига оид қонунлар қуйидаги гуруҳларга ажратилади: - Фуқароларнинг шахсий ҳуқуқларига оид қонунлар; - Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларига оид қонунлар; - Фуқароларнинг иқтисодий ҳуқуқларига оид қонунлар; - Фуқароларнинг маданий ҳуқуқларига оид қонунлар; - Инсон ҳуқуқларига оид халқaro- ҳуқуқий ҳужжатлар.

Шунингдек, инсон ҳуқуқларига риоя қилиш бўйича давлат ҳокимиятининг мажбуриятини унга бандга бўлиш мумкин. Давлат инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, ҳимоя қилиш ва амалга оширишга мажбур. Халқaro ҳужжатларда “ҳар бир инсон яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга” деб таъкидланган. Декларациянинг ушбу моддасига мувофиқ, давлат: инсоннинг яшаш ҳуқуқини ҳурмат қилишга мажбур, яъни унга ҳалақит бермаслиги керак; инсоннинг яшаш ҳуқуқини унга таҳдид солаётганлардан ҳимоялашга мажбур; инсоннинг яшаб қолишини таъминлаган ҳолда унинг яшаш ҳуқуқини амалга оширишга мажбур. 71 Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқaro стандартлар, институтлар, механизмлар ва тартиб-таомиллар жадал ривожланиб бораётганлигига қарамай, инсон ҳуқуқлари бўйича халқaro ҳуқуқ муаммоларини илмий асосда ишлаб чиқиш юзасидан қилинадиган ишлар ҳали кўп.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқaro ҳуқуқнинг ҳозирги дунёда ўқув дарси сифатида қарор топиши XX асрнинг охириги чорагига тааллуқли, холос. Гарчи бу йўналишда талайгина ишлар ва махсус асарлар эълон қилинган бўлса-да, инсон ҳуқуқлари бўйича халқaro ҳуқуқ халқaro оммавий ҳуқуқ бўйича умумий ишларда халқaro ҳуқуқнинг шунчаки бир соҳаси сифатида қараб ўтилади. Бироқ, бунда ҳам бир қанча камчиликлар бор, хусусан, атамалар бобида муайян

чалкашликлар мавжуд. Чунончи, бир қанча муаллифлар инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқни гуманитар ҳуқуқ деб атайдилар, ваҳоланки халқаро оммавий ҳуқуқнинг бошқа тармоғини гуманитар ҳуқуқ деб юритадилар.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, одатда халқаро-ҳуқуқий адабиётларда гуманитар ҳуқуқ деганда, қуролли можаролар даврида муайян тоифадаги шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатига тааллуқли нормалар, шунингдек, урушнинг қонунлари ва одатларини тартибга солувчи нормалар мажмуи тушунилади. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги стандартлар тушунчаси халқаро ҳужжатларда мустаҳкамланган мажбурий талаблар, нормаларни англатади. Демак, маълумки, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси юридик мажбурий кучга эга бўлган ҳужжат ҳисобланмайди, аммо унда қайд этилган инсон ҳуқуқлари стандартларнинг яққол намунаси ҳисобланади. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси стандартлари инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ учун ҳам, инсон ҳуқуқлари миллий тизимларини шакллантириш учун ҳам асос сифатида олинади. Қандай халқаро ташкилотлар доирасида инсон ҳуқуқлари бўйича ҳужжатларнинг қабул қилинишига қараб, улар универсал стандартлар, яъни универсал ташкилот ҳисобланмиш БМТ доирасида қабул қилинган ва минтақавий стандартлар, масалан, Европа кенгаши раҳбарлигида имзоланган Европа кенгаши стандартларига бўлинади. Универсал ва минтақавий стандартлар ўртасида қарама-қаршилик эмас, аксинча изчиллик, уйғунлик мавжуд. Минтақавий стандартлар инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро шартномаларда акс эттирилган универсал стандартларни мустаҳкамлашга, шунингдек уларни ҳимоя қилишга кўмаклашиши лозим.

Минтақавий стандартлар нисбатан маҳаллийлашган, минтақа мамлакатларининг тарихий анъаналари, маданияти, ривожланиш даражасини ҳисобга олади ва баъзан универсал стандартларга нисбатан юқори даражадаги нормаларни аниқлаштиради ва белгилайди. Миллий қонунчиликнинг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларга мослиги тўғрисидаги талаблар инсон ҳуқуқлари бўйича шартномаларнинг иштирокчилари учун етарлича қаттиқ ҳисобланади. Хулоса тарзида айтиш керакки, қадимги дунёда инсон ҳуқуқларининг барча асосий тушунчалари анчагина ишланиб, таомилига етган тарзда мавжуд бўлган. Бироқ инсон ҳуқуқларини қадимги даврда тушуниш билан ҳозирги даврда тушунишни бир-биридан фарқловчи иккита омил бор. 72 Сийсий нуқтаи назардан бу эркинлик ва тенгликнинг ҳар қандай ғоясини йўққа чиқарувчи қулдорлик институтидир. Диний нуқтаи назардан қараганда эса бу инсоний турмуш қадриятининг ўзини рад этувчи ғоясидир.

REFERENCES

1. www.lex.uz. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги”ги ПФ-60-сон фармони// <https://lex.uz/uz/docs/-5841063>.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон фармони // <https://lex.uz/docs/-3107036>

81. Zebo Madaminova VATANGA MUHABBAT "JALOLIDDIN MANGUBERDI" TRAGEDIYASIDA	298
82. Мадинабону Джумаева ЗНАЧЕНИЕ ИСЛАМСКИХ ЦЕННОСТЕЙ И ПРОСВЕЩЕНИЯ В СОВРЕМЕННУЮ ЭПОХУ	303
83. Marjan Ilesova Jienbaevna ZAMONAVIY DUNYODA AXLOQIY ME'YORLARNING UMULASHISHI	306
84. Mohina Inomova Yashinbek qizi AN'ANAVIY OMMAVIY AXBOROT VOSITALARINING VUJUDGA KELISH TARIXI	310
85. Iroda Xidoyatova, Akdidar Abdusattarova SINGAPURDA OLIY TA'LIM TIZIMI	313
86. Айнур Шамратова АЛГОРИТМЫ И ФИЛЬТРЫ В ИНТЕРНЕТЕ: ВЛИЯНИЕ НА ИНФОРМАЦИОННОЕ ПОВЕДЕНИЕ ПОЛЬЗОВАТЕЛЕЙ	316
87. Махлиё Шамшаддинова ИСТОРИЯ И СУТЬ РЕЛИГИИ ИСЛАМ	319
88. Махлиё Шамшаддинова МИРОВАЯ РЕЛИГИЯ БУДДИЗМ	322
89. Татьяна Широкова Рафаиловна ИСТОРИЯ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ	325
90. Бахром Саидусманов Абдуганиевич БАРКАМОЛ АВЛОД МАНФААТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ	327
91. Бахром Саидусманов Абдуганиевич, Сарвиноз Туйғунова Низом қизи ХАЛҚАРО ТАЖРИБАДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТИ	330
92. Baxrom Saidusmanov Abduganiyevich, Dildora Jumanazarova Marjona Sattarova O'ZBEKISTONDA DINSHUNOSLIK FANINING TARAQQIYOTI	334
93. Baxrom Saidusmanov Abduganiyevich, Zarina Saydaliyeva Saydislom qizi Bahor Jaxbarova Mirhayot qizi ISLOM DINI TARIXI VA MOHIYATI	338
94. Baxrom Saidusmanov Abduganiyevich, Mehribon Sobirova Matnazar qizi Nilufar Sultonboyeva Baxtiyor qizi BUYUK IPAK YO'LI: TARIXI, SAVDO YO'LLARI VA MADANIYATLARARO ALOQALARGA TA'SIRI	342
95. Baxrom Saidusmanov Abduganiyevich, Durdona Zakirova Axmadjonovna AHMAD YASSAVIY TARIQATI VA DINIY QARASHLARI	344
96. Baxrom Saidusmanov Abduganiyevich, Dilnoza Shanadirova Ikromjonovna Zaxro Manzirboyeva Muzaffarovna FALSAFA VA DIN: MILLATLARARO VA DINLARARO TOLERANTLIK	349
97. Baxrom Saidusmanov Abduganiyevich, Munisa Safarova Sohibjon qizi O'ZBEKISTONNING MUSTAQILLIKKA ERISHISH ARAFASIDAGI IJTIMOIIY- SIYOSIY VA IQTISODIY AHVOLI	354
98. Baxrom Saidusmanov Abduganiyevich, Mardona Tajibayeva	357